

Доллар сўзи ўрта асрларда дастлаб 1519 йилда Германияда пайдо бўлган танга номи “Таллер”дан келиб чиккан. 1873 йилда таллер Германияда бутунлай муомаладан чикиб кетди. Унинг ўрнига марка кириб келди. Бирок унинг номи халк орасида қолиб кетди. Шу пайтларларда Англия ва Испания колонияларида песо номи билан машхур бўлган испан тангалари муомалада бўлган. Бу тангаларни кўп жойларда адашган холда “dalar” деб аташар эди. Бизга машхур бўлган доллар номи ҳам унинг дунёга машхур белгиси доллар ҳам ўша пайтда пайдо бўлган. Узун инглизча ибора “pieise of Eight”, яъни 1/8 (нимчорак) коғозда ўчирилган 8 га айланиб, охир-окибат бизга таниш бўлган доллар белгиси пайдо бўлган.

1879 йилда АКШ ҳукумати давлатнинг расмий валютасини муомалага киритиш чоғида унга ҳеч иккиланмай ҳаммага маълум ва машхур бўлган доллар номини танлашди. Ўша пайтда машхур шахслардан бири “Янги Америка ўзининг янги пулига жуда эски ном танлади” - деган эди. 1792 йилда муомалада бўлган АКШ пулининг таркибидаги соф олтин миқдори 1,6033 гр ёки 24,057 гр соф кумушдан таркиб топган эди. 80 йиллардан сўнг, яъни 1876 йилда мазкур олтин тангалар давлатнинг расмий пул бирлиги сифатида тан олингандан сўнг унинг таркибидаги соф олтин миқдори 1,50463 гр қилиб белгиланди. Бу миқдор АКШда яна 30 йил, 1929-33 йиллардаги жаҳон иқтисодий таназзулигача амалда бўлди. Шу алфозда қабул қилинган “олтин захираси” ҳақидаги ҳужжатга биноан, тилло миқдори 0,88867 гр.га, яъни 41 %га туширилди.

Шу пайтда Троя унциясининг нархи 35 доллар эди. II-жаҳон урушидан кейин АКШ дунёдаги ҳукмронлигини мустаҳкамланиши билан долларнинг дунёдаги ўрни ҳам аста-секин билиниб борди. Маршал шартномасига асосан, вайрона холга келган Европага АКШ инвестицияси билан биргаликда долларнинг йирик оқими ҳам кириб кела бошлади. Уруш туфайли ачинарли аҳволга тушиб қолган Европада долларнинг кенг истеъмолга кириши қийин кечмади. Шу пайтда Европанинг марказий банкларида долларни исталган Европа давлати пул бирлигига ёки қелишилган миқдордаги олтинга алмаштириб олиш мумкин эди. Бирок XX асрнинг 60-йиллари ўрталарига қелиб, долларнинг қадри тушиб кета бошлади. Инфляциянинг ўсиши ва АКШ савдо балансидаги танқислик навбатдаги доллар девальвациясини келтириб чиқарди. 1971 йилнинг охирида олтиннинг бир унцияси 38 долларга чикди. Долларнинг таркибидаги олтин миқдори эса умуман тўхтатилди. 1973 йиллар яна 10 %га девальвация қилинди. 1974 йилнинг февралига қелиб, олтиннинг бир унцияси дунёнинг йирик биржаларида 150 долларга кўтарилди. Хозирги кунда бу кўрсаткич 260 долларни ташкил этади. 100 йил мобайнида доллар 10 баробар арзонлашди. Аммо олтин стандартидан воз кечилган пайтда доллар ер юзининг кўпчилик аҳолисини ишончини қозонган эди. Кўплаб давлатларнинг норасмий пулларида айланиб қолди. Охириги йилларда эса Жанубий Америка давлатларининг кўпчилигида доллар асосий пул ўрнида қўлланилмоқда. АКШдан бошқа яна 26 давлат пул бирлиги доллар номи билан юритилади. Замонавий “долларчи” давлатларнинг қатта қисмини Британия империясидан мустақил бўлгандан сўнг қабул қилишган. 1857 йилда Канада Британия колониясидан доминионига айланган вақтдан бошлаб, бу давлатнинг расмий пул бирлигига айланди. Шунинг учун ҳам хозирги пайтда замонавий Канада банкнотларида ҳам Британия қироличаси Елизавета II ни портрети акс этган. Охириги муомалага киритилган долларлардан бири - бу Сингапур доллариدير. 1967 йилда кенг муомалага киритилган ушбу банкнотлар қушлар, кемалар,

гуллар ва бошка нарсалар билан безатилган. Бу пул дунё пуллари ичида ҳам энг чиройли бўлишига даъвогарлик килади. Лекин замонавий АКШ долларлари эса ҳамон XX аср бошидаги тасвирини узгартирганича йўқ. Олд қисми кулранг, орқаси яшил. Барча банкнотлар бир хил ўлчамда (157х67 мм). XX аср охирига келиб, пул калбакилаштириш авжига чиккан пайтда долларнинг содда кўриниши давр талабига жавоб беролмай қолди. Яқин-яқингача пулни калбакилаштириш жуда осон эди. 1996 йилда чиккан долларнинг янги нусхаси фирибгарлар учун жиддий синов бўлди.